4. Доим машқ қилсак эди, биз биринчи ўринни олардик.— Если бы мы постоянно тренировались, то заняли бы первое место.
5. Сўз берсанг, бажар.— Дал слово, выполняй.
6. Олим бўлсанг, олам сеники (*Мақол*).— Если ты ученый, то весь мир твой (*пословица*)  
(Если знание приобретешь, не пропадешь).
7. Мен банд бўлмасам, албатта келаман.— Если не буду занят, я обязательно приду (приеду).
8. Сөг бўлсам, стадионга бораман.— Если я буду здоров, то пойду на стадион.

*II. Переведите на узбекский язык следующие предложения:*

- 1) а) Если увижу Олега, я скажу ему;
- б) Если бы я увидел Олега, то сказал бы ему.
- 2) Если вы дадите (дать — **бермок**; дайте — **беринг**) мне книгу, я прочитаю её.
- 3) Если он придет завтра, мы поедем вместе.
- 4) Если я устану, то лягу спать.

*III. Сравните следующие предложения:*

- 1) а) Сиз чарчадингиз. Дам олинг.— Вы устали. Вы отдохните;
- б) (сиз) Чарчасангиз, дам олинг.— Если вы устали, отдохните.
- 2) а) Баҳор келади. Гуллар очилади.— Наступает весна. Цветы цветут.
- б) Баҳор келса, гуллар очилади.— Если наступит весна, то зацветут цветы.

- 3) а) Бўш вақтим бўлади. Мен театрга бораман.— У меня будет свободное время. Я пойду в театр.  
 б) Бўш вақтим бўлса, театрга бораман.— Я пойду в театр, если у меня будет свободное время.
- 4) а) Емғир тинади. Биз стадионга борамиз.— Дождь перестанет. Мы пойдем на стадион;  
 б) Емғир тинса, биз стадионга борамиз.— Если дождь перестанет, мы пойдем на стадион.

#### IV. Прочитайте и переведите текст:

Ер юзида бир хотин бор бўлса, муҳаббат бор ер юзида.  
 Ер юзида бир гўдак бор бўлса, авлод бор ер юзида.  
 Ер юзида бир парча ер бўлса, Ватан бор ер юзида.

(Рауф Парфи)

### Комментарий и словарь

ер юзи — Земной шар; ер юзида — на  
 Земном шаре.  
 хотин — женщина  
 муҳаббат — любовь

гўдак — ребенок  
 авлод — потомство; поколение  
 бир парча ер — клочок земли  
 Ватан — Родина

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

## УРОК 19

### Содержание урока:

- |                                 |
|---------------------------------|
| а) причастие<br>б) деепричастие |
|---------------------------------|

### I

*Запомните следующие слова, словосочетания и предложения:*

ўйна — играй; ўйнаётган — играющий  
 ўйнаётган бола — играющий мальчик  
 ўйнаётган бола — менинг ўғлим.— Играющий мальчик — мой сын (Мальчик, который играет, мой сын).  
 Столда турган китобни беринг.— Дайте мне книгу, лежащую на столе.  
 Ота ишлаётган ўғлини кўрди.— Отец увидел работающего сына.  
 Юрган дарё, ўтирган бўйра (Мақол).— Идущий подобен реке, сидящий — циновке (пословица).

### II

**Причастие. Сифатдош.** В узбекском языке причастие является формой глагола, но функционально совпадает с существительным. Причастие как бы «причастно» и к глаголу, и к существительному. В узбекском языке причастие выполняет в предложении несколько функций: подлежащего, сказуемого, определения, дополнения.

Наиболее употребительные формы причастий:

- 1) причастие настоящего времени;
- 2) причастие прошедшего времени;
- 3) причастие будущего времени.



**Причастие настоящего времени** образуется при помощи прибавления аффикса **-ётган** к форме глагола на **-а** или **-й**. Примеры:

**кет+а+ётган киши** — уходящий человек (в данный момент)

**ўқи+ётган студент** — читающий студент

**уч+а+ётган самолёт** — летящий самолёт

**ўйна+ётган бола** — играющий ребёнок

Форма на **-ётган** указывает на продолжительность совершаемого действия в данный момент (в момент речи).

1. **Китоб ўқитётган бола менинг укам.**— Мальчик, читающий книгу, мой младший брат.

(Мальчик, который читает книгу, мой младший брат).

2. **Хат ёзаётган қиз ўзбек тилини ўрганмоқда.**— Девушка, пишущая письмо, изучает узбекский язык.

(Девушка, которая пишет письмо, изучает узбекский язык).

*Запомните следующие слова:*

**бажармоқ** — выполнять; **бажар** — выполнил

**бажара+ётган** — выполняющий

**ўқимоқ** — читать; **ўқи** — читай; **ўқий** — читаю

**ўқи+ётган** (ўқиётган) — читающий

**гапирмоқ** — говорить; **гапир** — говори; **гапир** — говоря

**гапирётган** — говорящий

**ишламоқ** — работать; **ишла** — работай; **ишлай** — работая

**ишлай+ётган** — ишлаётган — работающий

**қилмоқ** — делать; **қил** — делай; **қила** — делаю

**қила+ётган** — делающий

Форма на **-ётган** в предложении выполняет роль определения. Примеры: **Қулаётган бола** — менинг ўғлим.— Мальчик, который смеется, мой сын.

**Причастие прошедшего времени** образуется путем прибавления к основе глагола аффикса **-ган**: **ёзмоқ** — писать; **ёз** — пиши; **ёз+ган** — написавший

**гапирмоқ** — говорит; **гапир** — говори; **гапир+ган** — говоривший

**олмоқ** — взять; **ол** — бери; **ол+ган** — взявший

**очмоқ** — открыть; **оч** — открой; **оч+ган** — открывший

Причастие прошедшего времени в предложении выполняет функции определения и сказуемого в сочетании с личными аффиксами (**-ман, -сан, -миз, -сиз, -улар**).

Примеры:

**гапир** — говори

**гапир+ган** — говоривший

**оч** — открой

**оч+ган** — открывший

**ўқи** — читай

**ўқи+ган** — читавший

**ёз** — пиши, напиши

**ёз+ган** — написавший

**кел** — приходи

**кел+ган** — пришедший

**Лекция ўқиган киши биз билан ишлайди.**— Человек, читавший лекцию, работает с нами. (Человек, который читал лекцию, работает с нами).

**Хат ёзган қиз ўзбек тилини ўрганди.**— Девушка, написавшая письмо, изучает узбекский язык. (Девушка, которая написала письмо, изучает узбекский язык).

**Кеча келган ишчини биласизми?** — Вы знаете рабочего, пришедшего (приехавшего) вчера?

**«Ўтган кунлар» романи яхши ёзилган.** — Роман «Минувшие дни» хорошо написан.

**Причастие будущего времени** образуется при помощи прибавления к основе глагола аффиксов **-р** (если основа глагола оканчивается на гласный звук) или **-ар** (если основа глагола оканчивается на согласный): **ишла** — работай; **ишла+р** — тот, который будет работать; **топ** — находи; **топ+ар** — тот, который будет находить;

**оқмоқ** — течь; **оқ+ар** — проточный; **оқар сув** — проточная вода;

**оқар дарё** — текущая река

**Умр** — бу **оқар дарё**. — Жизнь — это текущая река.

**Отрицательная форма** образуется при помощи аффикса **-мас (-ма+с)**: **ишлар** — **ишламас** — тот, который не будет работать

**ўлмас** — бессмертный

**ўлмас асар** — бессмертное произведение

**ўлмас шоир** — бессмертный поэт

## Деепричастие. Равишдош

В узбекском языке деепричастные формы образуются от всех глаголов, поэтому деепричастные конструкции в узбекском языке употребляются часто. Наиболее употребительны следующие деепричастные формы:

1. Форма деепричастия на **-а** (после согласных основ) или **-й** (после гласных основ). Аффикс **-а** или **-й**, присоединяясь к основе глагола, образует отглагольную форму, которая, обозначая второстепенное действие, служит признаком другого действия. Примеры:

(кел — приходи)	кел+а	<b>кела</b> — приходя
(ўки — читай)	ўки+й	<b>ўкий</b> — читая
(ол — бери)	ол+а	<b>ола</b> — беря
(ишла — работай)	ишла+й	<b>ишлай</b> — работая
(кил — сделай)	кил+а	<b>кила</b> — делая

**У кула-кула айта бошлади.** — Он начал рассказывать смеясь.

**кулмоқ** — смеяться, **кул** — смеяся, **кула** — смеясь

**Салима ҳеч нарса демай чиқиб кетди.** — Салима, ничего не сказав, вышла.

**демоқ** — говорить, сказать; **де** — говори

**дема** — не говори, **демай** — не сказав.

2. Форма деепричастия на **-б** (после гласных основ) или **-иб** (после согласных основ):

(кел — приходи)	кел+иб	<b>келиб</b> — придя
(кул — смеяся)	кул+иб	<b>кулиб</b> — смеясь
(ишла — работай)	ишла+б	<b>ишлай</b> — работая
(ўки — читай)	ўки+б	<b>ўкиб</b> — прочитав
(кил — сделай)	кил+иб	<b>килиб</b> — сделав

Форму деепричастия на **-б** или **-иб** иногда называют деепричастием прошедшего времени: **кулмоқ** — смеяться, **кул+иб** — смеясь.

Бола **кулиб** отасига қаради.— Ребенок **смеясь** смотрел на своего отца.

Ўқувчилар дафтарларини столга **қўйиб**, кўчага чиқишди.— Ученики, **положив** свои тетради на стол, вышли на улицу.

**қўймоқ** — положить, **қўй+иб** — положив

### III

I. Прочитайте несколько раз вслух и запомните следующие предложения:

- 1) Сиз **ечаётган** масала жуда қийин.— Задача, **решаемая** вами, очень трудная.  
(Задача, которую вы решаете, очень трудная).
- 2) Насихат **олмайдиган** одам бахтсиздир.— Тот не бывает счастлив, кто **не внемлет** советам.
- 3) Еридан **айрилган** етти йил йиғлар,  
Элидан **айрилган** ўлгунча йиғлар.— Кто землю свою **теряет**, (по ней) семь лет плачет. Кто **разлучается** со своим народом, плачет до конца дней.

II. Выучите наизусть следующие предложения:

1. Айтилган сўз — отилган ўқ.— Сказанное слово — пущенная стрела. (Сказанное слово не может вернуться.)
2. Аяган кўзга чўп тушар.— И в оберегаемый глаз попадает соринка. (В глаз, который берегут, тоже сор попадает.)
3. Етти ўлчаб, бир кес.— Семь раз отмерь, один раз отрежь.
4. Ишламаган — тишламас.— Кто не работает, тот не ест.
5. Чўқаётган чўпга ёпишар.— Утопающий хватается за соломинку.

III. Прочитайте следующий текст и переведите его:

- Қандай ишни қилмаслик керак?
- Ўзинг билмаган, тушунмаган ишни қилма.
- Қандай қилиб илмли бўлдингиз?
- Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам сўраб ўргандим.
- Дунёда энг яхши киши ким?
- Одамларга фойда етказган киши.
- Дунёда энг ёмон киши ким?
- Одамларга зарар етказган киши.

### Комментарий и словарь

қандай қилиб? — каким образом?

керак — нужно; қилмаслик керак — не следует (не нужно) делать

тушунмоқ — понимать; тушунмаган иш — дело, которого не понимаешь

илмли — грамотный

олим — ученый; олимдан — от ученого

сўрамоқ — спросить; сўра — спроси; сўраб — спросив

фойда — польза; фойда етказган — принесший пользу

дунё — мир; дунёда — в мире

яхши — хороший, хорошо; яхши киши — хороший человек

ёмон — плохой, плохо; ёмон киши — плохой человек

зарар — вред; зарар етказган — принесший вред

Содержание урока:  
Наречие.  
Сложносочиненное предложение

## I

*Запомните следующие слова, словосочетания и предложения:*

**сув** — вода; **сувчи** — поливальщик  
**арик бўйида** — у арка  
**чақирмоқ** — вызвать; **чақирди** — он вызвал  
**ҳаво** — воздух  
**соф** — чистый (-ая, -ое)  
**балиқ** — рыба; **балиқдай** — как рыба  
**сайрамоқ** — петь (птицы); **сайрайди** — поёт  
**суҳбат** — беседа; **суҳбатлашди** — беседовал; **суҳбатлашдилар** — беседовали  
**сузмоқ** — плавать; **сузишяпти** — плавают  
**умид** — надежда; **қалб** — сердце; **қалби** — их (его, её) сердца(е)

*Прочитайте вслух несколько раз следующие тексты и постарайтесь перевести их на русский язык:*

Сувчи Қодир ака арик бўйида ўтирибди. У бизни чақирди:  
 — Тезроқ бу ёққа келинглар. Бу ернинг ҳавоси жуда яхши. Шу ерда дам оламиз.

Ҳаво соф. Эрта-кеч бу ерда шабада эсади. Дарахтларда кушлар сайрайди.

Анча вақтгача ҳамма жим ўтириб дам олди. Сўнг ёшлар секин-аста суҳбатлашдилар.

— Бу ернинг ҳавоси шаҳардагидек эмас.

— Қаранг. Болалар сувда балиқдай сузишяпти.

\* \* \*

\*

Ёшларнинг қалби тўла умид. Шунинг учун улар кўп ишлайдилар. Улар эркин ва тез ишлашади. Кўп гапирган киши кам иш қилади.

## II

## Наречие. Равиш

Наречие — часть речи, обозначающая признак действия (время, место, причина, способ действия) или качества.

Наречия в узбекском языке бывают корневыми: **тез** — быстро, **кўп** — много, **кеч** — поздно, **эрта** — рано, **жуда** — очень, а также производными, то есть образованными от других слов.

Наречия образуются двумя способами; 1) морфологическим способом; 2) синтаксическим способом.

При морфологическом способе наречия образуются при помощи следующих аффиксов:

1) **Аффикс -ча**, который присоединяется к именам существительным, прилагательным, местоимениям, образуя наречия:

дўстлар (товарищи) +ча — **дўстларча** — дружески, по-приятельски  
эски (старый) +ча — **эскича** — по-старому;  
сизнинг (ваш) +ча — **сизнингча** — по-вашему  
шу (это) +нча — **шунча** — столько

2) **Аффикс -часига**, при помощи которого образуются наречия от имен существительных и прилагательных:

кахрамон (герой) +часига — **кахрамончасига** — по-геройски  
деҳкон (крестьянин) +часига — **деҳкончасига** — по-крестьянски  
эски (старый) +часига — **эскичасига** — по-старому.

3) **Аффикс -дай** или **-дай**, при помощи которого образуются наречия от существительных, прилагательных, местоимений:

тош (камень) +дай — **тошдай** — как камень  
кечаги (вчерашний) +дек — **кечагидек** — как вчера  
катталар (взрослые) +дек — **катталардек** — как взрослые  
сен (ты) +дай — **сендай** — как ты, на подобие тебя  
куш (птица) +дай — **кушдай** — как птица; **кушдай энгил** — легко как птица

4) **Аффикс -лаб**. Используется при образовании наречий меры от имен существительных:

пакир (ведро) +лаб	<b>пакирлаб</b> — ведрами
тонна +лаб	<b>тоналаб</b> — тоннами

**Синтаксический способ** образования наречий.

В узбекском языке наречия образуются при помощи словосложения:

бир (один) +вакт (время)	<b>бир вакт</b> — когда
бир (один) кун (день)	<b>бир кун</b> — однажды
шу (это) ер (место)	<b>шу ерда</b> — здесь, <b>шу ердан</b> — отсюда
бу (это) йил (год)	<b>бу йил</b> — в этом году
ўша (тот) кун (день)	<b>ўша кун</b> — тот день

аста-секин — медленно, потихоньку

ескин }  
аста } тихий; тихо

Наречия образуются при повторении одинаковых слов:

кўп (много) **кўп-кўп** — много-помногу  
кам (мало) **кам-кам** — мало-помалу,  
такрор (снова) **такрор-такрор** — многократно  
кайта (возвращая) **кайта-кайта** — снова, многократно

Наречия образуются при повторении слов противоположных по значению (антонимы):

<b>эрта-кеч</b> — утром и вечером	<b>кишин-ёзин</b> — зимой и летом
<b>кеча-кундуз</b> — ночью и днем	

В узбекском языке наречия по значению делятся на следующие группы:

**Наречия времени:** **эрталаб** — утром, **кеча** — вчера, **бугун** — сегодня, **кечаси** — ночью, **хар куни** — каждый день, **хозир** — сейчас.

**Наречия места:** **шу ерда** — здесь, **шу ердан** — отсюда; **шу ерга** — сюда; **хамма ерда** — всюду.

**Наречия образа действия:** **аста-секин** — потихоньку, **қахрамонларча** — по-геройски, **бирдан** — внезапно.

**Наречия меры и степени:** **кўп** — много, **кам** — мало, **озгина** — немного; **гоят**, **жуда** — очень, **асло** — совсем.

### Сложносочиненное предложение

В узбекском языке сложные предложения могут состоять из двух и более простых предложений.

Сложные предложения делятся на:

- 1) сложносочиненные предложения;
- 2) сложноподчиненные предложения.

Сложносочиненные предложения состоят из взаимосвязанных и взаимообусловленных простых предложений, образующих структурное и смысловое единство и объединенных только интонацией или соединительными (**ва, ҳам, ҳамда**), противительными (**аммо, лекин, бироқ**) и разделительными (**ё, ёки, дам, гоҳ**) союзами и союзными словами. Примеры:

1. **Вақтинг кетди, бахтинг кетди.** — Время упустил, и счастье упустил.
2. **Мен янги сўзларни қандай таржима қилишни билмадим, шунинг учун лугатдан фойдаландим.** Я не знал как перевести новые слова, поэтому пользовался словарем.
3. **Баҳор келди ва гуллар очилди.** — Пришла весна и цветы расцвели.
4. **Инсонни табиат яратади, лекин жамият уни шакллантиради.** — Человека создает природа, но общество формирует его.

### III

*1. Прочитайте несколько раз и постарайтесь запомнить следующие предложения:*

1. **Ҳар кун ишчилар заводга келишади.** — Каждый день рабочие приходят на завод. **Сменадан кейин улар заводдан кетишади.** — После смены они уходят с завода.

2. **Езда баъзи ота-оналар болаларини қишлоққа олиб боришади.** — Летом некоторые родители увозят своих детей в деревню.

3. **Эшик очилди ва хонага ўқитувчи тез кириб келди.** — Открылась дверь, и в комнату быстро вошел учитель.

4. **Поезд станциядан секин кетди.** — Поезд тихо отошел от станции.

5. **Бир кун аввал экаш, хафта олдин ўрасан.** — Если поспеешь на дель раньше, уберешь на неделю раньше.

6. **Бир томчи сув чумолига дарёдек кўришади.** — И капля воды для муравья кажется рекой.

7. **Оз сўзла, кўп тингла.** — Меньше говори, больше слушай.

8. **Ой тунда керак, ақл қунда керак.** — Луна нужна по ночам, ум — повседневно.

9. **Олдин кулган кейин қизарар.** — (Первый засмеявшийся потом смущается. Кто первым засмеялся, тот потом засмущался). — Хорошо смеется тот, кто смеется последним.

10. **Чан томонда дала. Узокда уйлар кўриняпти.** Слева поле. Вдали виднеются дома.

11. **Ҳамма жим ўтирибди.** — Все сидят спокойно. **Кейин улар ишлай бошлади.** Затем они начали работать.

12. Меннинг дўстим тез инглайди. Мой друг работает быстро. Умид секин инглайди. Умид работает медленно.

## II. *Переведите следующие предложения:*

1. Отам заводда ишлайди, онам мактаб ўқитувчиси.
2. Қўшғирок чалинди ва мен эшикни очдим.
3. У ўз вақтида етиб келди, лекин уни ҳеч ким кутиб олмади.
4. Ўқитувчи тушунтирди, лекин у тушунмади.

қўшғирок      звонок  
чалинди      разодался  
етиб келди    прибыл

кутиб олмади    не встретил  
тушунтирди    объяснил  
тушунмади      не понял

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ ДАРС

## УРОК 21

Содержание урока:  
Последний.  
Сложноподчиненное предложение

### I

*Прочитайте и переведите текст с помощью комментария и словаря:*

### ТОШКЕНТ

Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти. У денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда жойлашган. Унинг майдони 250 км<sup>2</sup> бўлиб, аҳолиси 2 миллиондан ортиқ. Аҳоли сопи жихатидан бизнинг пойтахтими: Москва, Ленинград ва Киевдан кейинги ўрнида туради.

Қадимги манбаларда ҳозирги Тошкент ўрнида бундан 2 минг йил илгари обод шаҳар бўлганини қайд қилинган.

Буюк шак йўли устига жойлашган Тошкент Европа мамлакатларининг Хитой, Ҳиндистон билан олиб борган алоқаларида муҳим роль ўйнаган.

Тошкент ҳозирги кунда йирик саноат шаҳари бўлиб қолди. Бундан ташқари, йирик ўқув ва илмий марказлардан бири ҳисобланади.

### Комментарий и словарь

денгиз сатҳи      уровень моря  
баландликда    на высоте  
водий (в.ди:)    долина

аҳоли      население, аҳолиси    его на  
              селение; аҳоли сопи жихатидан  
              по численности населения

қадимги манбалар — древние источники  
обод — благоустроенный  
қайд қилинган — зафиксирован  
Буюк ипак йўли — Великий шелковый путь  
жойлашган — расположенный  
муҳим роль ўйнаган — играл важную роль  
олиб борган алоқаларида — в отношениях

илмий — научный  
саноат — промышленность, промышленный  
ҳисобланади — считается; ҳисобланмоқ — считается

\* \*

\*

*Запомните следующие слова, словосочетания и предложения:*

**Ватан учун** — за Родину; **Ватан учун, олға!** — Вперед за Родину!  
**озодлик учун** — за свободу. **Улар озодлик учун курашяптилар.** — Они борются за свободу.

**стол устида** — на столе; **Стол устида китоблар турибди.** — На столе лежат книги.

**стол устига** — на стол; **Стол устига у кўпгина китоб қўйди.** — Он положил много книг на стол.

**дераза ёнида** — у окна; **У дераза ёнида турибди.** — Он (она) стоит у окна.

**Дераза ёнига** — к окну; **У дераза ёнига келди.** — Он (она) подошел (шла) к окну.

**дераза ёнидан** — от окна; **У дераза ёнидан кетди.** — Он (она) отошел (отошла) от окна.

**янгиликлар ҳақида** — о новостях. **У бизга янгиликлар ҳақида гапириб берди.** — Он рассказал нам о новостях.

**космонавтлар тўғрисида** — о космонавтах. **Биз космонавтлар тўғрисида кўп ўқиганмиз.** — Мы много читали о космонавтах.

**шаҳар устидан** — над городом; **Самолёт шаҳар устидан учиб ўтди.** — Самолёт пролетел над городом.

**дарахт тагида** — под деревом: **Биз дарахт тагида, сояда ўтирдик.** — Мы сидели под деревом, в тени.

\* \*

\*

## Послелоги. Қўмакчилар

В узбекском языке послелогои употребляются после слова, к которому относятся: сен **туфайли** — из-за тебя; благодаря тебе; китоб **билан** — с книгой; сиз **учун** — для вас, ради вас.

китоб **тўғрисида** — о книге

ишчилар **орасида** — среди рабочих;

колхозчилар **ичида** — среди колхозников

Послелогои делятся на две группы: 1. Послелогои — частицы.  
2. Послелогои — имена.



## Послелогои — частицы

**учун** — для, за, ради

**сен учун** — для тебя; ради тебя

**дўстим учун** — для друга

**Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун** — Один (человек) — за всех, все — за одного (человека).

**билан** — с, вместе

**Биз билан юр** — иди с нами; **ишчилар билан** — вместе с рабочими.

**Чол кампири билан кўм-кўк денгизнинг қиргоғида яшар эди** — Жил старик со своею старухой у самого синего моря. (А. С. Пушкин.)

**каби** — как, подобно

**нон каби қадрли** — дорога как хлеб

**бери** — с; **Эрталабдан бери ёмғир ёғяпти** — С утра идет дождь.

**бўйлаб** — по, вдоль

**дарё бўйлаб** — вдоль реки

## Послелогои — имена

**олдида** — у, перед; **Эшик олдида тўхтанг.** — Остановитесь перед дверью (у двери).

**Қаерда тўхтайти?** — Где мне остановиться? — **Эшик олдида.** —

Перед дверью.

**олдидан** — перед

**Овқат олдидан қўлингизни ювинг.** — Мойте руки перед едой.

**Қачон кўлимни ювай?** — Когда мне мыть руки?

**Овқат олдидан.** — Перед едой.

**олдига** — к **Менинг олдимга келинг.** — Подойдите ко мне.

**Мен қаерга борай?** — Куда мне подойти?

**Менинг олдимга.** — Ко мне.

**ёнига** — возле, рядом с,

**станок ёнига** — возле станка

**стол ёнига** — рядом со столом.

**Столни станок ёнига қўйиш керак.** — Стол надо поставить возле станка.

**ёнида** — у, при, возле

**Ўқувчи доска ёнида турибди.** — Ученик стоит возле (у) доски.

**Уйимиз ёнида мактаб бор.** — Около нашего дома (есть) расположена школа.

**ёнидан** — мимо; **Каримнинг ёнидан** — мимо Карима.

**Машина Каримнинг ёнидан ўтиб кетди.** — Машина проехала мимо Карима.

**устига** — на; **У стул устига чикди.**

Он встал (поднялся) на стул.

**устида** — на; **Стол устида китоблар бор.** — На столе книги.

**устидан** — над;

**Биз фашизм устидан ғалаба қозондик.** — Мы одержали победу над фашизмом.

тагида — под; Улар дарахт тагида ўтирибди.— Они сидят под деревом.

тагидан — из-под.

тўғрисида — о, об.

хакида — по поводу;

Колхоз раиси Эркин тўғрисида гапирди.— Председатель колхоза говорил об Эркине.

У Ватан ҳақида қўшиқ айтяпти.— Он поёт песню о Родине.

ўртасига — на, на середину.

ўртасида — посреди, на середине.

ўртасидан — с середины:

Ховли ўртасида болалар ўйнаяпти.— Дети играют посреди двора.

### Сложноподчиненное предложение

Сложноподчиненными называются предложения, составные части которых объединены подчинительной синтаксической связью. Сложноподчиненное предложение состоит из главного и придаточного предложений. Придаточные предложения должны раскрыть содержание главного. Примеры:

1. **Биз ишонамиз, тинчлик бутун дунёда галаба қозонади.** — Мы верим, что мир победит во всем мире.

Здесь «**Биз ишонамиз**» главное предложение.

2. **Ўқитувчи синфга кирганида, ўқувчилар ўрнидан туришди.**— Ученики встали, когда учитель вошел в класс.

«**Ўқувчилар ўрнидан туришди**» — главное предложение.

3. **Қаерда керак бўлсанг, ўша ерга бор.**— Иди туда, где ты нужен.

«**Ўша ерга бор**» — главное предложение.

4. **Бош омон бўлса, дўппи топилади.**— Была бы целой голова, а тюбетейка отыщется (дословно: если будет целой голова, тюбетейка отыщется).

### III

1. *Прочитайте несколько раз и постарайтесь запомнить следующие предложения:*

1. Дўстинг учун захар ют.— Ради друга можно выпить и яд. (Друга любить — себя не щадить).
2. Ер куёш билан, инсон илм билан чарогон.— Земля освещается солнцем, человек — знанием.
3. Ойни этак билан ёлиб бўлмас.— Луну подолом не прикроешь. (Шила в мешке не утаишь).
4. Мен учун сиз бегона эмассиз.— Для меня вы не чужой.
5. У она каби меҳрибон аёл.— Она добрая женщина, как мать.
6. Унинг олдида катта вазифа турибди.— Перед ним (ней) стоит большая задача.
7. Машина уйнинг олдига келди.— Машина подъехала к дому.
8. Ўзбекистон ўзининг мевали бозлари билан машҳур.— Узбекистан славится своими фруктовыми садами.
9. Карим дўстининг ёнига кетяпти.— Карим идет к другу.

10. Соғлом бўлай десанг, жисмоний тарбия билан шуғуллан.— Если хочешь быть здоров, занимайся физкультурой.
11. Агар душман таслим бўлмаса, уни таслим қилишди.— Если враг не сдается — его уничтожают.
12. Сиз чарчаган бўлсангиз, ишни тугатамиз.— Если вы устали, прекратим работу.

## ЎҚИШ УЧУН МАТНЛАР

## ТЕКСТЫ ДЛЯ ЧТЕНИЯ

*Прочитайте и переведите тексты с помощью комментария и словаря:*

### ТЕКСТ I

#### ЎТ ҚАНДАЙ ЎЧИРИЛДИ

Эфиопиянинг узок ноҳияларида тамаки нима эканлигини билишмас эди. Кунлардан бир кун кичкинагина қишлоқда нотаниш бир киши пайдо бўлди. У чекиб кетаётган эди. Дехқонлар унинг оғзидан тутун чиқаётганини кўриб қолишди. Улар одам ёниб кетяпти деб ўйлаб, ваҳимага тушдилар. Шундан кейин у кишини қутқариб қолиш учун унга совук сув сепа бошладилар.

#### Комментарий и словарь

**тутун** — дым

**курить** — чекмок

**обливать** — сепмок, куймок

**табак** — тамаки

**одам ёниб кетяпти, деб ўйлаб, ваҳимага тушдилар** — они с ужасом подумали, что человек горит.

#### КАК ПОГАСИЛИ ПОЖАР

В отдаленных районах Эфиопии не знали, что такое табак. Однажды в маленькой деревне появился незнакомый человек. Он шёл и курил. Крестьяне увидели, что изо рта у него идёт дым. Они с ужасом подумали, что человек горит. Тогда, чтобы спасти человека, они стали обливать его холодной водой.

#### АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

(1907—1968)

Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор Қўқонда темирчи оиласида туғилган. У Қўқонда «Намуна» мактабини тамомлагандан сўнг техникумда ўқиди. Сўнгра (кейин) Ўрта Осиё Давлат дорилфунунида ўқиди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий фаолияти 1924 йилдан бошланади. Унинг мақола ва шетрлари, фельетон ва хикоялари «Муштум» журналарида ва «Янги Фарғона», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида босилиб чиқади.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг ҳажвий фельетонларида икки юзламачиликни, лаганбардорлик, очкўзлик каби пуксонларни фоти қилади.

Ҳажв Абдулла Қаҳҳорнинг адабиёт соҳасидаги умумий қуроли эди. Шунинг учун ҳам биз уни ҳозир ўткир новеллалар устаси деб биламиз. Гоголнинг «Ревизор», «Ўлик жонлар», Чеховнинг «Хамелеон», «Амаалдорнинг ўлими», «Унтер Пришибеев» каби хикояларнинг ўзбек тилига таржимои деб биламиз. У, шунингдек, Л. Толстойнинг «Уруш ва тишчилик» романининг 1—2 томларини, М. Горькийнинг «Менин университетларим» асарини, К. Треневнинг «Любовь Яровая» пьесасини ўзбек тилига таржима қилган.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғрилар», «Майиз емаган хотин», «Анор» каби новеллаларини дунёдаги энг яхши новеллалар билан бир қаторга қўйиш мумкин.

## Комментарий и словарь

**атоқли** известный

**темирчи** — кузнец

**ижодий** литературный, творческий

**фаолият** деятельность

**мақола** статья

**иккиюзламачилик** лицемерие

**лаганбардорлик** подхалимство

**очкўзлик** жадность

## АБДУЛЛА КАХХАР

(1907—1968)

Известный узбекский писатель Абдулла Каххар родился в Коканде в семье кузнеца. После окончания школы «Намуна» в Коканде учился в техникуме. Затем учился в Среднеазиатском государственном университете.

Литературная деятельность Абдуллы Каххара начинается с 1924 года. Его статьи, стихотворения, фельетоны и рассказы печатаются в журнале «Муштум» и в газетах «Янги Фарғона» и «Қизил Ўзбекистон».

Абдулла Каххар в своих сатирических фельетонах разоблачает лицемерие, подхалимство, жадность, бюрократизм...

Сатира для Абдуллы Каххара было оружием. Поэтому мы теперь знаем его и как мастера острой сатирической новеллы, и как переводчика на узбекский язык «Ревизора» и «Мертвых душ»

Гоголя, и таких чеховских рассказов, как «Хамелеон», «Смерть чиновника», «Унтер Пришибеев». Он также перевел на узбекский язык 1, 2-й тома «Войны и мира» Л. Толстого, «Мои университеты» М. Горького, пьесу Тренева «Любовь Яровая».

У Абдуллы Каххара есть новеллы — «Воры», «Женщина, которая не пробовала кишмиша», «Гранаты» — которые можно поставить в один ряд с лучшими новеллами мира.

\* \*  
\*

## ТЕКСТ 2

### *Абдулла Қодирий*

#### МЕҲРОБДАН ЧАЕН

Раъно уйда ёлғиз қолган эди.

— Таомни ўзинг билан Анвар акангга лойиқ қил. Мен бўлсам, тўйдан тўйиб келаман. Онанг ҳам оч келмас. Анвар акангдан, нима таом қилай деб сўрасанг, яхши бўлади, қизим...

Анвар ким биландир хайрлашар эди. Раъно эшик ёпида кутиб турди. Бир оздан кейин Анвар ёлғиз қолиб, шу томонга — ичкарига қараб кела бошлагандек бўлди. Раъно кулимсираб ўзини эшик панасига олди...

— Сизга ош қилиб берайми, деб сўрагани чиққан эдим.

— Отамдан сўра.

Раъно отасининг тўйга кетганини ва сўзини айтди. Анвар кулимсиради.

— ... Иккимиз ёлғиз қолсак, қандай бахт бу?

— ... Қандай ош қилай?

— Қайси хилини буюрсам экан?.. Уврага уқувинг йўқ, паловни ланж қилсан, сомсани ёполмайсан, манти тўғрисида ўйлаш ҳам ортиқча... Яна шу ҳолда қандай ош қилай, деб дўқ урганнинг қизик.

— Мен уқувсиз бўлсам, ўзингиз ош қилинг.

— Мен ҳам ош қилишни яхши билмайман, шунинг билан бирга, дўқ ҳам урмайман... Сен бориб, ўчоқ харакатини кўравер...

Раъно ўчоққа оловни ёқиб, қозонни ювар. Анвар... сабзи тўғрар эди...

— Тўйларинг қачон, лой киз. Жавоб берсанг-чи ахир...

Раъно... Анварнинг пичингига пилтифотсиз турди. Сўнгра Анвар томонига бир оз майл этиб илжайди:

Кеча-кундузлар,  
Қизарди юзлар,  
Уятли сўзлар  
Битарми, мирзо?

### Комментарий и словарь

**ёлғиз қолган эди** — осталась одна (остался один)  
**таом** — пища  
**тўй** — свадьба  
**тўйиб келаман** — вернусь наевшись  
**оч** — голодный (-ая, -ое); **оч келмас** — придет неголодная  
**ким биландир** — с кем-то  
**зшик ёнида** — у двери  
**бир оздан кейин** — (спустя некоторое время), вскоре  
**ичкари** — внутренняя часть двора, пичкари  
**кулимсираб** — улыбнувшись  
**кайси хилини** -- что бы такое  
**буюрсам экан** — заказать  
**увра** — пища, наподобие лагмана; ланша  
**укув** — сноровка  
**укувинг йўқ** — нет у тебя сноровки  
**ёпмок** — печь

**ёполмайсан** — печь не умеешь  
**манти тўғрисида** — о мантах  
**ўйлаш ҳам ортиқча** — и думать лишнее  
**қандай ош қилай?** -- какую пищу готовить?  
**дўк урмоқ** — грозить  
**дўк урганнинг қизик** — странно, что ты еще грозить  
**шунинг билан бирга** — и вместе с этим  
**ўчоқ** — характерные куравер — готовятся развести огонь  
**ўчоққа оловни ёқиб** — развела огонь  
**сабзи тўғрар эди** — режет морковь  
**майл этиб** — повернуться  
**илжайди** — усмехнулась (-ся)  
**кеча-кундуз** -- день и ночь; постоянно  
**қизарди юзлар** — краснеют щеки; рдеют щеки  
**уятли сўзлар** — постыдные слова  
**битарми?** -- будет ли конец?

*Сравните свой перевод с переводом оригинала:*

### Абдулла Қадыри

#### СКОРПИОН ИЗ АЛТАЯ

... В доме осталась одна Раъно.

— Готовь только на себя и на Анвара. Я ведь на свадьбу иду, там наемся. И мать придет неголодная... А брата Анвара спроси, что ему приготовить, так-то лучше будет, дочь моя...

Анвар с кем-то прощался, Раъно в ожидании стояла у двери. Вскоре Анвар, как ей слышалось, направлялся в эту сторону — в пичкари (во внутрь двора). Раъно улынулась и спряталась за дверь...

— Я пришла чтобы спросить, что вам приготовить на обед?

— Спроси у отца.

Раъно объяснила, что отец ушел на свадьбу.

Анвар улынулся.

— Какое счастье, что мы вдвоём одни?

— Что приготовить?

— Что бы такое заказать?.. Лапшу режешь плохо, плов у тебя слишком разваренный получается, самсу печь не умеешь, а о мантах и говорить нечего... И ты еще осмеливаешься спрашивать «что готовить?» Любопытно.

— Ну, если я такая неспособная, готовьте сами.

— Да, и я не умею хорошо готовить, потому и помалкиваю... Ты иди, разведи огонь...

И вот Раъно развела огонь и моет котел для плова. Анвар режет морковь...

— Эй, скажи-ка, девушка, когда же твоя свадьба? Отвечай-ка, наконец...

Раъно продолжала сидеть молча, не обращая внимания на шутки Анвара. Затем она в полуулыбке повернулась к Анвару лицом:

— Долго ль слушать мне намеки,  
От которых рдеют щеки?  
Домогательства, упрёки  
Им конец придет, мирзо?

(Перевод В. Смирновой.)

\* \* \*

\*

### ТЕКСТ 3

#### **Ғафур Ғулом**

#### **КЕЧМИШ-КЕЧИРМИШЛАРИМДАН**

Мен 1903 йил, 10 май, жума куни эрта билан соат 6 да туғилган эканман. Туғилган ерим Тошкент шаҳри...

Мен туғилганимда отам Ғулом Мирзо Ориф ўгли 35 ёшда, онам Тошбиби Шоюсуф кизи 21 да экан...

Отам дурустгина саводли, ўзбекча, тожикчани яхши билар ва унча-мунча русча ҳам сўзлашар экан. Шаҳар ичиди кишиларга ариза, справкалар ёзиб бериб юрар, шунинг учун ҳам исмига «Мирзо» деган лакаб кўшимча бўлган экан.

Отам адабиёт билан жуда қизиқар экан...

Онам ҳам ўзбекча, тожикча адабиётларни ўқиб, англай оладиган зехли хотинлардан эди...

Менинг саводли, хатли бўлишимга бошда отам, сўнг онам сабаб бўлдилар...

1919 йил 19 февралда комсомол сафина кирдим. Шу йил 23 мартдан бошлаб Ўрдадаги бошланғич мактабга ўқитувчи бўлиб кирдим. Янги, мазмунли, маданий, келажакли ҳаёт бошланиб кетди...

Ижодимга Маяковский кучли таъсир қилган. Мен Маяковскийни ўзимнинг устозим деб биламан...

1934 йилда СССР ёзувчиларининг Бутуниттифок I съезидига делегат бўлиб катнашдим. Шу ерда Алексей Максимович Горькийни кўрдим, докладини эшитдим, ўзи билан суҳбатлашдим...

Улуғ А. М. Горькийнинг «Бўрон қуши қўшиғи», «Лочин қўшиғи» асарларини биринчи бўлиб ўзбекчага таржима қилганим билан фахрланаман.

Рус тили орқали жаҳон адабиёти классиклари ижоди билан яқиндан танишиб, Шекспир, Мольер, Лопе де Вега, Бомарше ва бошқалардан таржималар қилдим...

\* \*

\*

Ҳаётда биттагина тилни билган киши биттагина бўлиб қолаверади. Икки тил билган кишини икки киши, уч тилни билган кишини уч киши ва ҳоказо... дейиш мумкин.

Кўп тилни билиш ўзини маданий киши деб ҳисоблашни орзу қиладиган ҳар бир киши учун фарз.

## Комментарий и словарь

**ҳаётда** — в жизни

**ва ҳоказо** — и т. д.

**дейиш мумкин** — можно сказать

**кўп миллатли** — многонациональный (-ая, -ое)

**туғилганимда** — когда я родился

**Фулом Мирзо Ориф ўғли** — Гулям Мирзо сын Арифа

**Тошбиби Шоюсуф қизи** — Ташбиби дочь Шаюсуфа

**унча-бунча** — немного

**шаҳар ичида** — в городе

**кишиларга ариза, справкалар ёзиб бериб юрар** — писал другим заявления, справки

**шунинг учун ҳам** — и поэтому

**исмига** — к имени

**«Мирзо» деган лақаб** — кличка «Мирза» («писарь»)

**қўшимча** — добавка

**англай оладиган** — понимающий (-ая, -ее)

**кўп тилли оила** — многоязычная семья

**маданий киши** — культурный человек

**ҳар бир** — каждый (-ая, -ое)

**киши учун** — для человека

**фарз** — обязан

**зеҳли** — умный (-ая, -ое)

**хотинлар** — женщины; **хотинлардан** — одна из женщин

**сабаб** — причина

**бошланғич мактаб** — начальная школа

**мазмунли** — содержательный (-ая, -ое)

**маданий** — культурный (-ая, -ое)

**таъсир қилган** — оказал(а) влияние

**бутуниттифок** — всесоюзный (-ая, -ое)

**«Бўрон қуши қўшиғи»** — «Песня о Буревестнике»

**«Лочин қўшиғи»** — «Песня о Соколе»

**фахрланаман** — горжусь

**рус тили орқали** — через русский язык

**жаҳон адабиёти классиклари** — классики мировой литературы



\* \* \*

\*

## ТЕКСТ. 4

**Абдулла Қаҳҳор**

«ЯНГИ ЕР»

(«Шоҳи сўзана»)

Одилов. Ўзингиз нима иш қилар эдингиз?

Дехқонбой. Пахтакорман. Кейинги вақтда бригадир эдим.

Одилов. Бу ерда нима иш қилмоқчисиз?

Дехқонбой. Катта ниятлар билан келганмиз.

Одилов. Эшитсак мумкинми?

Дехқонбой. Мумкин. Қайтишда Тошкентга тушдим. Қизил майдонни кўрдим. Навоий театрини кўрдим. Эски Жўвага бордик. Бир томони боғ, бир томони стадион, театр, кино. Хайрон бўлдим: бунинг нимаси Эски Жўва? Нима учун Эски Жўва?

Одилов. Эскидан қолган от.

Дехқонбой. (*шавқ билан.*) Бир вақт келиб Мирзачўл ҳам шунақа эскидан қолган от булиб қолса. Қелган одам «Бунинг нимаси Мирзачўл? Нима учун Мирзачўл?» деса. Менинг орзум, бизнинг орзумиз мана шу.

Одилов. Кўп яхши орзу.

## Комментарий и словарь

**Шоҳи сўзана** — шёлковое сюзане; род гобелена из гладкой материи с ручной вышивкой; другое название этой пьесы.

**нима иш қилар эдингиз?** — чем вы занимались?

**пахтакорман** — я хлопкороб. В узбекском языке в разговорной речи часто подлежащее не употребляется.

**иният** — намерение, цель.

**эшитмоқ** — слышать; слушать

**мумкин** — можно, возможно

**қайтишда** — когда возвращался

**Эски Жўва** — название площади

**эскидан қолган от** — старое название

**бир вақт келиб** — когда-то; придет такое время

**орзу** — желание, мечта

**кўп яхши орзу** — очень хорошая мечта

\* \* \*

\*

## ТЕКСТ 5

**ЭРКИН ВОХИДОВ**

Мен 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона областининг Олтиариқ райониди, кишлоқ ўқитувчилари оиласида туғилганман, Отамни Олтиариқнинг ўқимишли, обрўли одамларидан бўлган

деб эшлади. У тарих муаллими, сўнг партия, совет ташкилотларида ишлаган... У 1945 йил вафот этди. Бир йилдан сўнг онам ҳам дунёдан ўтди. Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб мен қолдим.

Нашриётда бош муҳаррир, сўнг янги ташкил қилинган «Ёшлик» журналинда муҳаррир бўлиб ишладим. Ниҳоят, Фафур Гулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида директорлик вазифасини ҳам адо этдим. Шу вақтгача ўндан зиёд китобим босилиб чиқди.

Шеър шоир қалбида туғилган ҳаётий туйғуларни ифода қилади.

Шоир ўзи ёнмаса, бошқалар ёндиролмайди.

Шоир — эл хонадонининг чироғи. Шоирсиз юрт — булбулсиз чаман, юлдузсиз осмон. Шоир — қалбларнинг таржимони.

## Комментарий и словарь

**ўқимишли** — образованный

**обрўли** — уважаемый

**эсламоқ** — вспоминать; **эшлади** — вспоминают

**вафот этди** — скончался; **дунёдан ўтди** — дословно: покинул свет; скончался.

**ёдгор** — память, памятник

**ёлғиз** — единственный

**нашриёт** — издательство

**ниҳоят** — наконец

**директорлик вазифаси** — должность директора

**адо этдим** — выполнил; **адо этмоқ** — выполнять

**ўндан зиёд** — более десяти

**шеър** — стихотворение

**шоир** — поэт

**қалб** — сердце

**ҳаётий туйғулар** — жизненные чувства

**ифода қилади** -- выражает

**ёнмоқ** — гореть; **ўзи ёнмаса** -- если он сам не будет гореть

**бошқаларни ёндиролмайди** -- от «ёндира олмайди» — не сможет заставить других гореть

**эл** — народ

**хонадон** — семья; двор

**чироғи** — от «чироқ» — светильник

**шоирсиз юрт** — страна без поэта

**булбулсиз чаман** — цветник без соловья

**юлдузсиз осмон** — небо без звезд

**қалбларнинг таржимони** — переводчик сердце

## Эркин Воҳидов

### ПЎЛАТ

У даставвал ойболта бўлди,  
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди,  
Қилич ҳам у,

милтиқ

ва наган,  
У бомба ҳам бўлиб портлаган.  
Лекин олган жаҳонни фақат  
Перо бўлиб қуйилган пўлат.

## Комментарий и словарь

**пўлат** — сталь, булат

**даставвал** — в начале

**ойболта** -- секира, алебарда

**замбарак** — пушка

**қуйилди** — отлита

**қилич** — сабля, меч

**милтиқ** — ружьё, винтовка

**наган** — наган

**бомба** — бомба

**портлаган** — взрывалась

**олган жаҳонни** — взяла мир

**қуйилгач** — отлившись

Сравните свой перевод со следующим дословным переводом стихотворения Эркина Вахидова:

### СТАЛЬ

В начале она была секирой  
Затем была отлита пушкой  
Она и сабля;  
ружьё  
и наган,  
Она взрывалась и бомбой.  
Но взяла мир, лишь  
Пером отлившись, сталь.

\* \*

\*

### ТЕКСТ 6

### Улмас Умарбеков

### СОАТ

Биз кўпчиликмиз. Дадам, ойим, мен. Тўртта укам ҳам бор. Ойим билан дадам ишлашади. Мен ўқийман, иккита укам ҳам ўқийди. Иккита кичкинаси боғчага боради. Шунинг учун ҳар бир хонада соат бор. Биттасида осма соат, биттасида будильник... . Лекин ҳеч қайсимиз бу соатларга карамаймиз... . Ҳаммамиз вақтни дадамлардан сўраймиз.

Дадамларнинг қўл соатлари бор, билақларига зўрға сиғади...

Бу соат бувамлардан қолган. Бувам урушда ҳалок бўлган, уйга шу соат қора хат билан келган экан...

Ишхонадан тақдим қилишган соатлари ҳам бор. Тақмайдилар. Шунни тақадилар.

Таниш-билишлари баъзан:

— Бошқасини тақинг, эскиб кетибди-ку,— дейишади.

Шунда:

— Бу оддий соат эмас, дадамларники,— дейдилар.

Яқинда мен техникумга кирдим.

— Мана,— дедилар шунда қўлларидан ечиб,— катта бўлиб қолдингиз. Сиз тақинг.

Энди уйда ҳамма вақтни мендан сўрайди. Дадамларнинг ўзлари ҳам мендан сўрайдилар... У жудаям катта... Циферблати ҳам эски, рақамларига доғ тушган. Лекин оддий эмас, бувамларники.

### Комментарий и словарь

**биз кўпчиликмиз** — нас много  
**иккита кичкинаси** — двое младших  
**осма соат** — стальные часы  
**қўл соат** — ручные часы

**бувамлардан қолган** — от бабушки остал  
лись  
**ҳалок бўлган** — погиб  
**қора хат** — посмертное уведомление

ишхонадан тақдим қилишган соатлари — часы, подаренные на работе  
тақмайдилар — не носит (дословный перевод: *они не носят*). Для выражения уважения, почтения в узбекском языке сказуемое предложения часто употребляется во множественном числе).  
соат тақмоқ — носить часы  
таниш-билишлари — знакомые  
бу оддий соат эмас — эти часы не простые

дадамларники — папины  
техникумга кирдим — поступил в техникум; катта бўлиб қолдингиз — теперь ты стал взрослым  
сиз тақинг — (теперь) ты носи  
вақтни менадан сўрайди — спрашивает у меня время  
рақамларига доғ тушган — цифры все в пятнах  
лекин оддий эмас — но зато не простые

\* \*

\*

## ТЕКСТ 7

*Абдулла Орипов*

### ҚУВОНЧ ПОЙТАХТИ

Мен 1958 йил ўрта мактабни битириб, шу шаҳарга келганман. У маҳалдаги Тошкентнинг қиёфаси билан ҳозирги кўриниши ўртасида фарқ бор...

Мен Тошкентда истиқомат қиламан. Болаларим кўпчилик. Беш қизим ва бир ўғлим бор. Катта қизим — Шоирахон ўнинчи синфда ўқияпти. Юлдузхон 9-синфда... Кичкина қизим Рухсорадан бошқаси мактабда ўқийди...

Мен Тошкент шаънига кўп шеърлар ёздим. Бундан буён ҳам бу ажойиб пойтахтимиз олдида қарздорман. Мен Қашқадарёнинг Косон районида туғилиб ўсдим. Лекин жаҳоннинг машҳур ва донгдор одамлари билан Тошкентда учрашдим... Мен Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Файз Аҳмад Файз сингари XX асрнинг забардаст шоирларини биринчи марта шу ерда кўрганман.

Бизни Тошкент муҳити тарбиялаган.

### Комментарий и словарь

қувонч пойтахти — столица радости  
Тошкентнинг у маҳалдаги қиёфаси — вид Ташкента того времени  
фарқ — различие, отличие  
болаларим кўпчилик — у меня много детей

шаънига — в честь; Тошкентнинг шаънига — в честь Ташкента  
қарздорман — я в долгу  
туғилиб ўсдим — родился и вырос  
машҳур } — знаменитый  
донгдор }  
учрашдим — встречался

\* \*

\*

Мен қувонар бўлсам — сен сабаб,  
Ўйга толар бўлсам — сен сабаб,  
Мен ўлишни истамасман, йўқ,  
Ногоҳ ўлар бўлсам — сен сабаб.

*А. Орипов.*

## Комментарий и словарь

мен қувонар бұлсам — если я радуюсь  
(буду радоваться)  
уйга толар бұлсам — если я тоскую  
мен ўлишни истамасман — я не хочу  
умереть

ногоҳ — а если  
ногоҳ ўлар бұлсам — а если я умру  
сен сабаб — причина ты

\* \*

\*

Дейдилар, ит хураp  
Ўтади қарвон,  
Ранжу балолардан  
Енмасин жонинг.  
Лекин алам қилар,  
Бир умр ғирён  
Итлар орасидаг  
Ўтса қарвонинг.

А Орипов.

## Комментарий и словарь

дейдилар — говорят  
ит хураp — қарвон ўтар (или «ўтади») — (пословица) собака лает, караван идёт  
ранж — обида; огорчение  
бало — беда; несчастье; ранжу бало — от «ранж ва бало» — огорчение и несчастье  
ғирён — (поэт.) — плачущий

*Сравните свой перевод с вольным переводом М. Хамраева:*

Собака лает — караван идёт,  
Об этом знает издавна народ.  
Но это завидной долей не считай  
Всю жизнь идти и слышать злобный лай.

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН. ИЗ УСТНОГО НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА.

### ТЕКСТ 8

Бир донишманд ота ўз ўғлига мана бу насиҳатларни айтган экан: 1. Тўғри ўйла, тўғри сўйла. 2. Ҳозир қиладиган ишингни тез бажар, эртага қолдирма. 3. Муҳаббат билан ишла. 4. Ишқмас одамларга яқинлашма. 5. Ичкилик — заҳар, ундан қоч. 6. Хушмуомала бўл, қўпол сўзни оғзингга олма. 7. Халққа фойдали ишлар қилишга ғайрат қил. 8. Илмли ва ҳунарли бўл, ҳаётда қийналмайсан. 9. Оз сўзла, кўп тингла. Сўз қумуш бўлса, сукут олтиндир. 10. Билмаган нарсангни сўраб ўрган. Билмаслик айб эмас. Билишни истамаслик айбдир. 11. Тарбияли бўл. Тарбиясиз одам жонсиз танага ўхшайди. 12. Содда ва табиий умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли инсон бўлишга олиб боради.

## Комментарий и словарь

**донишманд** — мудрец  
**насиҳат** — совет  
**ўйламоқ** — думать, размышлять  
**сўйла** от «сўзла» — говори  
**эргага қолдирма** — не оставляй на завтра  
**ишёқмас** — лентяй, бездельник  
**ичкилик** — пьянство  
**заҳар** — яд  
**хушмуомала** — вежливый  
**қўпол** — грубый, нецензурный  
**хунарли** — искусный, знающий ремесло  
**тингламоқ** — слушать, внимать  
**кумуш** — серебро  
**сукут** — молчание

**олтин** — золото  
**сўрамоқ** — спрашивать  
**билмаслик** — незнание  
**айб** — порок  
**истамаслик** — не желать  
**тарбияли** — воспитанный; **тарбиясиз** — невоспитанный  
**умр кечириш** — жить  
**самимий** — искренний  
**ҳақиқатгўй** — говорящий правду  
**номусли** — честный  
**матонатли** — стойкий  
**олиб бормоқ** — вести; **олиб боради** — ведет

### ТЕКСТ 9

Қадим замонда бир сахий одамнинг жуда кўп дони бор экан. У яшайдиган шаҳарда озиқ-овқат танглиги бошланибди. Сахий одам ҳамма донларини бева-бечораларга улашиб тугатибди. Сўнгра ўзи ҳам донга муҳтож бўлиб қолибди. Баъзан кишилар унинг устидан кулишибди:

